Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 125 (2414).
ЖУМА
31 МАЙ, 1974 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 29 май куни Кремлда Австрия Республикасининг федерал канцлери доктор Бруно Крайскийни қабул қилди.

★ 29 май куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Австрия федерал канцлери Б. Крайский ўртасида музокаралар бўлди.

★ Красноярскдаги «Красмаш» заводининг маданият уйида шаҳардаги Ленин сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих билан учрашуви бўлди.

★ СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Горький шаҳар автозавод сайлов округининг сайловчилари 29 майда депутатликка ўзлари кўрсатган номзод — КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев билан учрашдилар.

★ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Сурия Араб Республикаси раҳбарлигининг таклифига биноан 1974 йил 27 майдан 29 майгача расмий дўстона визит билан Дамашқда бўлди. Визит ҳар иккала халқ ва мамлакатлар ўртасида мавжуд дўстона муносабатларга мос бўлиб тушган сидқидиллик ва самимият вазиятида ўтди.

★ Космик фазони Ёш системасидаги планеталарини тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1974 йил 29 май Москва вақти билан соат 11 дан 57 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Луна-22» автомат станцияси учирилди.

Санитария-техника жиҳозлари заводи вентиляция цехида тайёрланаётган турли ҳажм—диаметрдаги вентиляторлар халқ хўжалигида кенг қўлланилади. Ишчилар коллективи тўқкизинчи беш йилликнинг белгиловчи йили буюртмаларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган мусобақани кун сайин авж олдириб меҳнатда қатор ютуқларни, қўлга киритмоқдалар.

СУРАТДА: вентиляция цехининг илғор ишчилари — коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларидан Сергей Хван, Константин Курунтаев ва Ўринбой Шукуровлар. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган бу ишчилар мунтазам равишда смена ойлик топшириқларини 130—150 процент бажарадилар.

М. Нурийдинов фотолари.

• Шаҳар—қишлоққа

Ҳамкорлик самараси

1-ғишт заводлари бошқармасига қарашли 3-завод коллективи пойтахт области колхоз ва совхозларида барпо этилаётган турар жой, маданий-маиший ва болалар муассасалари объектларини муддатидан илгари қуриб фойдаланишга топширишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Заводдан деярли ҳар куни ўндан ортиқ колхоз ва совхозларга бир неча юз дона пишиқ ғиштлар ва кўплаб бинокорлик материаллари жўнатилмоқда.

Завод аҳли техникалардан унумли фойдаланиб, социалистик мусобақани қизитган ҳолда меҳнат қилиб, буюртмаларни ўз вақтида мижозларга етказиб бермоқда. Улар ойлик маҳсулот реализация қилиш планини ортиғи билан адо этиб, барча буюртмачларнинг ташаккурига сазовор бўлмоқда.

Пойтахт областининг Ғани Муродбоев номли пахтачилик совхози, «Қозоғистон ССР 40 йиллиги» ҳамда «Коммунизм» колхозлари территориясида завод маҳсулотларидан кўплаб замонаавий бинолар барпо этилди.

Мазкур колхозларнинг қурувчилари заводдан ҳар йили бир неча юз минг дона ғишт қабул қилиб олмоқда. Май ойининг ўтган кунларида Ғани Муродбоев совхози қурувчилари 116 минг дона, «Қозоғистон ССРнинг 40 йиллиги» колхози юз минг, «Коммунизм» колхози 50 минг дона ғишт қабул қилиб олди.

КЕЧА

ЗАВОДДАН ҒАНИ МУБОДБОЕВ ПАХТАЧИЛИК СОВХОЗИГА 20 МИНГ ДОНА ҲАМДА «ОРЖОНИКИДЗЕ» РАЙОНИГА 30 МИНГ ДОНА ҒИШТ ЖЎНАТИЛДИ.

• 16 июнь—СССР Олий Советига сайловлар куни

ПАРТИЯ ИШИГА САДОҚАТ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон пойтахти Куйбишев райони меҳнаткашларининг вакиллари 30 майда 115-Тошкент — Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш тўпланганларга Ш. Р. Рашидовнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди. У сайловчиларни 16 июнь куни депутатликка номзод—Коммунистик партия билан Совет Ватанининг содиқ фарзанди учун овоз беришга чақирди.

Минбарга трактор заводининг наладчиги Х. Нуруллаев, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси бош корхонасининг слесари В. Д. Спирин, 4-қурилиш трестининг ғишт терувчиси Ш. Отабеков, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори А. А. Абдуллаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал полковник С. Е. Белоножко, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студенти О. Йўлдошева бирин-кетин чиқадилар. Нотиқлар райондаги корхоналарнинг коллективлари бўлажак сайловга жонажон Коммунистик партия ишига бўлган чексиз садоқатларини, Ватаннинг ҳар қандай наказини бажаришга аҳд қилганликларини намойиш қилиб, янгиянги меҳнат ютуқлари билан келаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда сайловчилар томонидан қизғин кутиб олинган ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Агитаторлар участкада

Тошкент тўқимачилик комбинати фабрика ва цех бошланғич партия ташкилотларининг оталиғидаги агитпунктлар шу кунларда СССР Олий Советига бўладиган сайловлар олдидан ташкилотчилик ишларини жуда қизитиб юбордилар. Фрунзе райони территориясидаги 89,87 ва бошқа ўрта мактабларда иш юритаётган 7 та агитпунктда турли темаларда қизиқарли лекциялар ўқилмоқда. Агитаторлардан 1-тўқув фабрикасининг калавалаш — тандалаш цехи бошлиғи коммунист Г. Я. Серпов, 1-йигирув фабрикасининг пахта титишсаваш цехи бошлиғи К. Қодиров ва бошқалар «Ленин — кўп миллатли Совет давлатининг асосчиси», «Ленин халқаро коммунистик ҳаракат ҳақида» деган мавзуларда ўқиган лекцияларни тингловчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Барча агитпунктлар ҳамиша янги газеталар ва журналлар билан таъминланиб турилмоқда. Сайловчилар столлар устига терип қўйилган турли китоб ва брошюралардан СССР Олий Советига бўлажак сайловлар ҳамда СССРда сайлов системаси хусусида маълумотларга эга бўлмоқдалар. Агитаторлар фақат участкаларда лекциялар ўқиб, концертлар уюштиришгина қолмасдан, балки сайловчиларнинг хонадонларига ҳам бориб, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ж. НАРЗУЛЛАЕВ.

ИЛҒОР БОШҚАРМА

28-қурилиш бошқармаси пардозлаш трестидагина эмас, балки «Главташкентстрой»да ҳам илғор саналади. Мазкур бошқарма сайқалчилари меҳнатнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этган ҳолда иш юритиб, квартал ва ойлик иш планларини муддатидан илгари бажариш билан адо этмоқдалар.

Йиллик планни Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг ярим асрлик таваллудигача бажаришга аҳд қилган сайқалчилар беш ойлик иш планини муддатидан етти кун илгари 104 процентга адо этдилар.

Бинокорлар беш ой давомида белгиланган бир миллион 178 минг сўмлик ўрнига бир миллион 225 минг сўмлик иш бажардилар.

ЯНГИ ЦЕХ

2501-автоколоннада ёнилғи аппаратураларини ремонт қиладиган намунали цехни монтаж қилиш бошланди. Цехни Тошкент автомобиль-йўл институти мутахассислари лойиҳалаштирган.

Унинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда атроф муҳитни ифлосланишининг олдини олишга катта эътибор берилади. Ҳамма автомобиллар рейса чиқиши олдидан заҳарли газни қай даражада чиқариши текширилади.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги политехника техникуми мана йигирма йилдирки, тўқимачилик соҳасининг мутахассисларини етиштириб чиқармоқда. Ўрта техник маълумотга эга бўлган ёш мутахассислар комбинатнинг йигирув, тўқув ва пардозлаш фабрикаларига йўлланма олиб, ишлаб чиқаришнинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мана, ҳаяжонлар, ташвишли кунлар орқада қолди. Техникумда эллик киши давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, дипломга эга бўлди. Йигирув мутахассислиги бўйича курсни тугатган 30 кишидан 10 киши диплом ишини «аъло» баҳога ёқлади. Улар В. Волиншикова, Л. Василенко, В. Суслова, А. Прохоров ва бошқалардир. Тўқув ишлаб чиқариши мутахассиси бўлган 19 кишидан 5 нафари диплом ишини «аъло»га ёқлади.

Хайрлашув кечасида ёш мутахассисларга диплом ва медаллар топширилди. Кечада малакали ўқитувчилар, корхона илғорлари сўзга чиқиб, қайноқ меҳнат қучоғига кетаётган мутахассисларга оқ йўл тиладилар.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтида республиканинг бир группа олимлари, ўқитувчилар, мутахассис —конструкторлар, аспирант ва студентлар анжумани бўлди. Улар Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг келажаги ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Йиғилганлар, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги Г. Рудаковнинг «Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий текшириш ишлари ва унинг асосий йўналиши» ҳамда «Средазгипроводхлопок»нинг катта инженери Л. Литвакнинг «Икки мингинчи йилгача Орол денгизи ҳавзасидаги суғориш ишлари ва уни амалга оширишнинг перспективалари »деган докладларини тингладилар. Анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

И. ЭРГАШЕВ.

Тошкент электр монтаж буюмлари заводининг коллективи халқ хўжалиги учун турли хил электр конструкцияси асбоблари етказиб бераётган корхоналардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот қурилишлар катта замонавий турар жой бинолари ва маданий маиший объектларда кенг қўлланилади.

СУРАТДА: корхона йиғув цехининг илғор слесари Алик Шпараго (ўнгда) ёш шогирди Абдуғаффор Исоқов билан навбатдаги конструкцияларни монтаж қилиш пайтида.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг профессор, ўқитувчилари

бир неча йилларда буён қардош Тожикистон ССР Душанба шаҳридаги тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Бу икки ташкилот ходимлари бир-бирларига тез-тез ташриф буюриб турадилар.

Яқинда тожикистонлик ҳамкасблар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган устоз ва шогирдлар анжуманида иштирок этишган эди.

Куни-кеча Тожикистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик тўйи нишонланиш муносабати билан тошкентлик енгил саноат ва тўқимачилик ходимлари Душанба шаҳрига боришди.

Йиғилишда илмий-техника масалалари кўрилди. ҳамда собиқ талабалар бир-бирлари билан тажриба алмашдилар.

Институтнинг собиқ студенти, айни пайтда Душанба шаҳридаги улкан тўқимачилик комбинати директори Умурзоқ Қобилов, бош инженер Ғуломжон Бобоев, тўқувчи ва йигирувчи мастерлардан Р. Мальцева, М. Зарипова Тожикистон ССР енгил саноат министрлигининг бўлим мудири А. Ан, министрлик ходими М. Мирхолиқовлар ишлаб чиқариш хўжаликларидаги ютуқлар, корхона ва ташкилотларда шонли 50 йилликка кўрилаётган ҳозирлик тўғрисида сўзлаб бердилар.

Институт олимларидан техника фанлари доктори, профессор Б. Геллер, А. Худковский, техника фанлари кандидати И. Алимбоев, доцент Г. Иофеллар сўзга чиқиб тўқимачилик саноати ва тараққиётининг муҳим масалаларига тўхталдилар.

Икки қардош ўлка — Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларидаги устоз ва шогирдлар учрашуви илмий қашфиётлар, ихтироларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қ. МАЛИКОВ.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

Киров район партия комитетида бўлиб ўтган семинарда ўқув йилини юксак уюшқоқлик билан якунлаш ва марксча-ленинча таълим ва иқтисодий ўқув системасида сунгги машғулотларни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича партия ташкилотлари ва пропагандист кадрларнинг вазифалари ҳақида гап борди.

Район партия комитетининг секретари Р. А. Ҳўжаев семинар қатнашчилари ҳузурида доклад қилди.

Райондаги корхоналар ва муассасалар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарлари ва пропагандистлари якунловчи машғулотларга тайёргарлик ҳақида гапириб бердилар.

Имтиҳонлар қизғин

Ҳамза район Янгиобод массивидаги 230-мактабда меҳнаткашларнинг 1200 дан зиёд ўғил ва қизлари таълим олмоқда. Мактабда ўқувчиларнинг ҳар тарафлама билим ҳамда таълим-тарбия олишлари учун барча шароит мавжуд.

Ўрта ва саккиз йиллик мактабларда шу кунларда имтиҳонлар давом этмоқда. Шу муносабат билан биз мазкур мактабда бўлдик. Ўқувчилардан Я. Отабеков «Мардлик мангулик» деган эркин темада иншо ёзиб беш баҳо олди. Унинг тенгдошлари М. Ориф-жонова, Ш. Ҳожиметова, С. Пўлатовлар ҳам иншоларни аъло баҳоларга топширдилар.

Саккизинчи синфларда ҳам—математикадан ёзма иш бўлди. Битирувчи 100 ўқувчидан 40 таси шаҳар ҳунар-техника билим юртларига кириб ўқиш истагини билдиришган. Ўқувчилардан А. Қодиров, Ж. Душаева, Я. Салимов, М. Мамадалиевлар математика ёзма ишини тўрт ва беш баҳоларга топширдилар.

Тўққизинчи синфлардаги имтиҳонларда давлат имтиҳон комиссиясининг раиси Ж. Тошпўлатов бошлиқ ўқитувчилар имтиҳон қабул қилаётган экан. Ўқувчиларнинг ёзган иншолари билан танишдик. Ўқувчилардан Я. Отабеков «Мардлик ҳам бўлганимизда ўқувчиларнинг имтиҳонга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрганликларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг барча саволларга аниқ жавобларидан ўқитувчилар ва давлат имтиҳон комиссияси аъзолари мамнун бўлишмоқда.

Қ. ТУЛИБОЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

БАЙРУТ. Бу ерда педагогик фильмларнинг 2-Халқаро фестивали тугади. Фестивалда 23 мамлакат, шу чумладан Совет Иттифоқи, Англия, Франция, АҚШ, Канада, Эрон ва Ливан қатнашди. Фестиваль чоғида 120 дан ортиқ фильм намойиш қилинди.

Фестивалнинг 1-мукофотини ҳамда фахрий дипломни «Гўзаллик оламидаги қадамлар» деган совет педагогик фильми олди.

БРАТИСЛАВА. Бу ерда коммунистик тарбиянинг назарий ва амалий проблемаларини тадқиқ этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва уни координациялаш бўйича социалистик мамлакатлар экспертларининг кенгаши бошланди.

Кенгашда Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, СССР ва ЧССР педагогика фанлари академиялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

МОГАДИШО. Сомали миллий музейида Совет Иттифоқи болаларининг расм, графика ва эстамп асарлари виставкаси очилди. Ёш рассомларнинг асарлари совет болалари ҳаётининг турли томонларини анс этгиради. Расмларнинг анчагинаси Африка халқларининг меҳнати ва турмушига бағишланган.

Қизиқарли экспозиция Сомали жамоатчилигининг диққатини жалб этди.

ДОРУССОЛОМ. Жанубий Африка Республикаси миллий студентлар союзи барча сиёсий маҳбуслар озод этилиши ва ирқий камситиш сиёсатига қарши чиқаётган кишиларнинг сиёсий ҳуқуқларини чекловчи қонунлар бекор қилиниши учун бутун мамлакатда бир ҳафталик кампанияни кучайтириб юбордилар. Жанубий Африка Республикасидаги бошқа тараққийпарвар ташкилотлар қўллаб-қувватлаган кампания чоғида мамлакатнинг турли шаҳарларида оммавий норозилик митинглари бўлади.

ЛОНДОН. Клайд дарёсидаги кемасозлик корхонасининг 160 ишчиси меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаб, забастовка бошлашди. Забастовка Шотландия кемасозларининг Американинг «Маратон» компанияси-га қарашли корхона эгалари билан олиб борган музокаралари натижасиз тугаганидан сўнг эълон қилинди.

БРЮССЕЛЬ. «Глявербельмеканивер» ойна заводлари ишчиларининг уч ҳафтадан бери давом этаётган забастовкаси галаба билан тугади. Ишчилар иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланиши тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаб забастовка эълон қилган эдилар. Корхона эгалари меҳнаткашларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда янги коллектив шартнома тузишга мажбур бўлдилар.

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ, ОЗОДЛИК!

III Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиши

Осиё ва Африка мамлакатларининг кинофестивалида қатнашиш учун салкам саксон мамлакат ўз картиналарини ва кинематографиячилар делегацияларини — ўз халқининг тинчлиги, порлоқ келажаги учун курашни ҳаёти ва санъатининг мақсади деб ҳисобловчи маданият арбоблари вакилларини Тошкентга юборди.

Шу кунларда Тошкентда турли тилларда айтилган сўзлар янграб турди. Аммо фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари қаерда тўпланишмасин, тинчлик, социал тараққиёт, халқларнинг озодлиги тўғрисидаги сўзлар ҳаммага тушунарли бўлди. Кураш ва орзуни, даъват ва мардликни билдирувчи бу сўзлар, 30 май куни Тошкентдаги Санъат саройида кинематографиячиларнинг қасамёд сўзлари бўлиб жаранглади: фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкентдаги учрашувни якунладилар.

Ҳозир бутун дунёда ҳаммага таниш бўлиб қолган Москва ва Тошкент радиосининг чақириқ сигналлари янгради. Залда беҳисоб гуллар — бу гулларни меҳмондўст тошкентликлар боғлардан ва далалардан келтиришиб, эски ва янги дўстларига — кино санъати усталарига тақдим этишди.

Кинофестиваль ўзининг шодиёна ва амалий юришини ўн кун муқаддам шу залда бошлаган эди. Бу кунлар, деди фестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева залда ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб, бир зумдаёқ ўтиб кетди, чунки шу кунларда қизғин ва дилкаш суҳбатлар, учрашувлар кўп бўлди. Бу суҳбатлар ва учрашувларга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси руҳ бағишлаб турди.

Ҳалқлар тинчлиги ва озодлиги учун атоқли курашчининг эзгу ва самимий тилаклари — бизнинг мамлакатимизда кино санъатини ривожлантиришга, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари билан дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, фестивалнинг «Халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва озодлиги учун» деган шиорида ифодаланган ғояларнинг тантанасига нақадар катта аҳамият берилаётганлигининг далилидир.

Бизнинг «Тошкент-74» анжуманимиз, деди Р. Ҳ. Абдуллаева, аслида Осиё ва Африка мамлакатларинигина эмас, шу билан бирга Латин Америкаси мамлакатларининг ҳам кино арбоблари учун катта минбар бўлиб қолди, учала қитъа кино санъатининг ҳақиқий байрамига айланди.

Тошкент фестивали ўзининг ваколатли эканлиги билангина эмас, киноленталарнинг кенг кўлами ва жанрларнинг ранг-баранглиги билан ҳам марокли бўлди. Жанрлар, уларда тасвирланган тематика эса фестивалга тақдим этилган фильмлар халқларнинг тинчлигини яққол кўрсатди, бу фильмлар томошабинларни инсоният жамиятининг тақдири ва шахснинг ҳозирги дунёдаги ўрни тўғрисида ўйлашга мажбур этди.

— Дарҳақиқат, халқимизнинг тинчлиги учун, келажаги учун курашни биз. кинематографиячилар келажак авлод олдидаги масъулиятимиз, деб билишимиз керак, дейди Раж Капур.

Таниқли ҳинд режиссёри ва артисти ўз нутқида шуни таъкидладики, кинематографиянинг барча тараққийпарвар арбоблари бир-бирлари билан ҳамдам бўлиб ишлашлари лозим, Чунки улар Тошкент фестивалининг шиорида ифодаланган идеалларни рўёбга чиқариш учун ҳали узоқ вақт кураш олиб боришлари керак бўлади.

Мексикалик артист Сусанна Досамонтес бундай деди:

— Биз Тошкент билан хайрлашмоқдамиз. Биз, Латин Америкасининг вакиллари келгуси, тўртинчи кино фестивалига меҳмон бўлиб эмас, балки фестиваль қатнашчиси бўлиб келишимизга аминмиз.

Сенегалдан келган меҳмон Абдуллай Камару Ўзбекистон меҳнатчилари чет эл кинематографиячиларига кўрсатган самимий, дўстона иззат-икром учун қизғин миннатдорчилик билдирди. Бу фестиваль, деб таъкидлади у, халқларни қизиқтираётган проблемаларни янада чуқуррок англаш имконини берди. Тошкент ҳар сафар тобора кўпрок мамлакатларнинг вакилларини, халқлар тинчлиги ва дўстлиги йўлидаги курашчиларни чорлай берсин!

— Биз фестивалнинг олижаноб шиоридан илҳом олиб Тошкентга тўпланган эдик, энди эса шу шиорни қайта-қайта такрорлаб хайрлашмоқдамиз, деди совет делегациясининг раҳбари, Ленин мукофотининг лауреати Чингиз Айтматов. — Бизнинг ижодимиз интернационал ҳамдўстлигимиз, миллий кинематографияларни ривожлантириш йўллари тўғрисида биргаликда қилган фикр-ўйларимиз ва мунозараларимиз инсонпарварлик — одамларнинг тенглиги ғояларини карор топтиришга, халқларнинг революцион онги ва бирдамлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Учинчи халқаро фестивалнинг бош директори А. А. Абдуллаев қайси фильмлар ва уларнинг бунёдкорлари СССР ва Ўзбекистон ССР ижодий союзлари, ташкилотлари ва муассасаларининг дипломлари ҳамда совринлари билан мукофотланганлигини зал аҳлининг қарсаклари остида эълон қилади. СССР Кинематографиячилар союзи ўзбек кино усталарининг «Абу Райҳон Беруний» ва мексикалик усталарнинг «Ёлғиз кишининг учрашувлари» фильмларини совринлар ва дипломлар билан тақдирлади. СССР Ёзувчилар союзининг дипломи Япониянинг «Ватан» фильми авторларига, Узбекистон Ёзувчилар союзининг дипломи ва совринни Филиппиндан келтирилган «Ўрғимчакларни ўлдиринглар» лентаси авторларига топширилди. Аргентина кинематографиячиларининг «Қўшиқчининг овози тинса», Сенегал усталарининг «Коду» фильмлари, Нигерия фильмлари программаси. Камерун, Лиция, Лаос, Малининг ҳужжатли лекциялар программалари Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг совринлари, дипломлари ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди.

Фестиваль экранига тақдим этилган ишларнинг ҳаммаси учинчи Тошкент кино анжуманининг дипломлари билан мукофотланди.

Фестивалнинг зангори эмблемаси тасвирланган оқ алвон — байроқ туширилди. СССР ва Узбекистон ССР давлат гимнлари янграйди.

Ҳалқлар тинчлиги ва дўстлиги маскани бўлган Тошкентда яна учрашгунча хайр! (ЎзТАГ).

Футбол

Кучлар тенг келди

КЕЧА

футбол бўйича олий лига командалари ўртасида битта учрашув бўлиб ўтди. Москванинг «Спартак» командаси «Зенит» футболчиларини қабул қилди. Ҳисобни биринчи бўлиб майдон эгалари 17-минутда (Минаев) очишди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилишиб 24-минутда муваффақиятга эришишди. Бу ўйинда ниҳоятда яхши ўйнаган «Зенит» ҳужумчиси Казаченок ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда ҳар иккала команда ҳар қанча ҳаракат қилмасин таблодаги бу рақамлар ўзгармади ва командалар очколарни тенг бўлишиб олишди.

БУГУН

мамлакатимизнинг етти шаҳрида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтади. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Тбилисида маҳаллий «Динамо» футболчилари билан учрашишади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан

1932 йил

Тошкент солномаси

ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Ғ. Р. РАШИДОВ ТАҲРИРИ ОСТИДА

Ана шу йилнинг охири СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик плани муддатидан илгари бажарилишлари билан нишонланди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам беш йилликни муваффақиятли адо этдилар.

Республиканинг индустриал тараққиёти жуда тез суръатлар билан ривожланиб борди. Беш йиллик даврида Ўзбекистонда саноатнинг бир қатор янги тармоқлари: машинасозлик, химия, цемент, тўқимачилик, пиллачилик, кўн-пойафзал, қоғоз, консерва, қанд тармоқлари вужудга келди. Республикада 192 та саноат корхоналари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, Тошкентда Ворошилов номидаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, 13,5 минг киловатт қувватли Қодирия район ГЭСи, Тошкент кислород заводи, қоғоз фабрикаси, 4-кўн заводи, дизель электр станцияси, нон заводлари, суткасига 20 минг пуд бугдойни янчадиган Ўрта Осиёда энг йирик «Азиахлеб» тегирмони, Ниёзбек қишлоғида (Тошкентдан 32 километр узоқликда, ҳозирги Чирчиқ шаҳрида) азот заводи, иккита пахта тозалаш заводи, ёг ва щолини крахмаллайдиган заводлар, кондитер фабрикаси, «Водхоз»нинг механика заводи, макарон фабрикаси, тўқиқзта ғишт заводлари, металл конструкцияларни ва қурилиш буюмлари заводлари, аниқ прибор устахонаси, чинни-фаянс заводи, тиқув фабрикаси, керамика қувурлари заводи қурилди ва ишга туширилди. Мана шу тўла бўлмаган рўйхатнинг ўзи шаҳар саноати нақадар тез суръатлар билан ривожланиб борганлигини кўрсатади.

Юқорида номлари тилга олинган корхоналарни ишга туширишда бирдан бир вақтнинг ўзида янги корхоналарни қуриш ишлари ҳам давом этди. Ана шу даврда полиграфия комбинати, 2-пойафзал фабрикаси, автомобиль ремонти заводи, 6 минг киловатт қувватли Бўржар ГЭСи қурилиши бошланди. Ана шуларнинг ҳаммаси қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналар сонининг ошишига имконият яратди. Бу корхоналарнинг беш йиллик йилларида маҳсулот ишлаб чиқариши 12 бараварга ошди.

1932 йилнинг январида Москвада XVII партия конференцияси бўлди. Ушбу конференция қабул қилган қарорда: «...Янги ғўшт комбинатлари, консерва ва қанд заводлари, нон заводлари қурилиши... шунингдек, Ўрта Осиёда тўқимачилик комбинати қурилиши зарур деб топилсин» дейилган эди.

Бир ярим ойдан сўнг СССР Меҳнат ва мудофаа Совети Тошкент тўқимачилик комбинати 1-навбати қурилишининг муддати, монтажи ва ишга туширилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ветерани, комбинат бош инженерининг собиқ ўринбосари Алексей Иванович Турков шундай хотирлайди: «1932 йилнинг мартида СССР ва Ўзбекистон ССР Енгил саноати халқ комиссариатининг ҳукумат комиссияси комбинат қурилиши учун жойни белгилади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети эса 91,5 гектар миқдоридаги ерни корхона учун ажратди. Уша пайтда қурилиш райони Тошкентнинг бўм-бўш жойларидан бирини эгаллар, уни одамлар Мохов қишлоқ деб юритишар, у ер тор ва ифлос кўчалардан иборат эди. Унинг бош магистрали Дачная кўчаси (ҳозирги Ш. Руставели кўчаси) эди.

Уша пайтдаги энг зўр фантазия ҳам ана шу жойда якин келажакда комбинатнинг ишлаб чиқариш ва уй-жой комплекси — фабрикаларнинг салобатли корпуслари, улар ўртасидаги гуллар билан бурканган хиёбонлар, асфальт қилинган кўчалар, чиройли янги уйлар, хиёбон ва боғларнинг бўлишини хаёлига ҳам келтирмас эди.

1932 йилнинг 6 майида катта қурилиш майдонида 30 минг кишилик митинг бўлди. Митингни Ўзбекистон Республикаси Марказий ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев очди. Унинг «Большевикларнинг иродаси билан ана шу қуруқ жойда тўқимачилик комбинати қурилади» деган сўзлари гулдурос қарсаклар ва маъқуллашлар билан кутиб олинди.

Йўлдош Охунбобоевнинг оқ фартук кийиб, қўлига болга ва чўкич олиб қурилиш бошлиғи Николай Алексеевич Фадеев билан биргаликда иморат пойдеворига тушиб комбинатнинг бўлажак корпусларига биринчи ғишт қўйганлиги тантанали маросими митингнинг барча қатнашчилари хотирасида сақланиб қолган.

Шундан кейин, ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси секретари К. Я. Бауман, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Хўжаев сўзга чиқишиб, қурилишнинг жуда катта аҳамияти, унинг республика саноатини ривожлантиришдаги ролини таъкидлаб ўтдилар.

Биринчи беш йилликларида ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва яшаш даражасини ошириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. Иш ҳақи 40 процентга ошди. Барча ишчиларнинг 82,3 проценти 7 соатли иш кунига ўтказилди.

Шаҳар аҳолиси талабларининг узлуксиз ошиб бориши, меҳнаткашларнинг маданий ва моддий эҳтиёжларининг кўтарилиши уй-жой қурилишини тезлаштиришни талаб этар эди. 1932 йилда Тошкентда 1928 йилдаги 31 ўринга 130 та уй-жой ва уй-қурилиш кооперативлари бор эди. Уй-жой кооперациясига талабнинг ошиб боришн муносабати билан Тошкент шаҳар партия комитетининг ташаббуси бўйича шаҳар уй-жой союзи ташкил этилди. Бу союз шаҳардаги барча уй-жой қурилишини бир жойга тўплаган эди. 1932 йилда 1927 йилдаги 77 минг ўрнига 445 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди. Шу йили Тошкент шаҳрининг аҳолиси миқдори 450 минг кишини ташкил этди.

Шаҳар ҳаётида 1932 йили шаҳар партия комитетининг ташкил этилиши катта воқеалардан бири бўлди. Шаҳар партия комитетининг ташкил этилиши партия раҳбарлигини кучайтириш, Ўзбекистон пойтахтида барча партия ишлари усулларини такомиллаштиришга имкон берди. Ана шунгача Тошкентда тўртта район партия комитети бор эди. Тошкент округ партия комитети умумий раҳбарлик ишларини олиб борар эди.

Партия аппаратини қайта қуриш бўйича амалга оширилган тадбирлар шаҳар саноати ишини йўлга қўйиш, фабрика ва заводларда ишлаб чиқариш планларини бажариш, маданий-тарбиявий ишларни кучайтириш, ишчи коллективларини уюштириш, рус ишчилари билан маҳаллий миллат ишчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

1932 йили Тошкентдаги саводсизликни тугатиш бўйича мактаблар 33855 кишини тайёрлаб чиқарди. 122 та бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда 58 мингдан знёд бола таълим олар эди. Уларнинг ярми маҳаллий миллат болалари эди. Миллий мактабларда аёллар маорифи институти, педагогика техникумлари ва курслари тайёрлаган ўзбек аёллари — ўқитувчилар болаларга билим беришар эди. Мана шу ўқув муассасаларн 1932 йили 1095 ўқитувчи тайёрлади. Шулардан 190 таси олий маълумотга ва 704 таси ўрта маълумотга эга эди.

Тошкент иккинчи беш йиллигининг биринчи йили — 1933 йилга қадам қўяётган эди.

Хуш-хабарлар

МУЙНОҚ. Қимиз етиштирувчи автоном республикадаги биринчи ферма «Память Ленина» колхозида ташкил этилди. Ферма маҳсулоти Қорақалпоғистон чўпонлари ва ишчилари, шунингдек, уларнинг болалари дам оладиган «орол қирғоғи» дам олиш уйига юборилади. Колхоз сотиб олган зотли биялар уюри энг яхши йилқибоқарларга топширилди.

* * *

НАВОИЙ. Навоий ГРЭСининг ишлаб чиқариш ёш новаторлари тўрт ойлик социалистик мажбуриятларини бир ярим баравар ошириб бажардилар. Улар шу вақт ичида бир йилда 15 минг сўм иқтисодий самара берган 86 та рационализаторлик таклифини жорий этдилар. Мастер В. Поздишев, электр слесарь С. Тилдинов, электр цехининг ишчиси В. Горлов энг яхши комсомол новаторлар қаторидан жой олишди.

* * *

ЖОМАШУЙ. Маҳаллий 86-автобаза коллективи юк ташиш беш ойлик планини ошириб бажарди. Автомобилчилар май ойи охирига қадар пландан ташқари 300 минг тонна—километр йўл босишга, 20 минг тонна юк ташишга сўз бердилар. Улар умумхалқ байрами — СССР Олий Советига сайлов кунини биринчи ярим йиллик программани бажариш билан нишонлашга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

Беш йилликнинг зарбдор одимлари

МЕҲНАТ МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи коллективи тўқиқзинчи беш йиллигининг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини бажариш йўлида шижоат билан меҳнат қилаяпти. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олаяпти. Бизнинг пресслаш — тайёрлаш цехимиз заводдаги энг йирик цехлардан ҳисобланади. Пахта териш машиналари учун тайёрланадиган деталь ва узелларнинг ярмидан кўпроғи шу ерда тайёрланади.

Бизда бригада ва участкалар ўртасида социалистик мусобақа кенг оммалашган. Ишчилар ўртасида ўз касбининг илғорлари, мастерлар ўртасида эса — энг яхши мастер-тарбиячи номини олиш учун мусобақалар ўтказиб турилади.

Цехда кўплаб меҳнат ветеранлари — ўз ишининг усталари меҳнат қилишади, улар ўзларининг бой тажрибаларини ёшларга ўргатишади. Улар Ленин ордени кавалерлари Абдураҳим Алимуҳамедов, Михаил Рагомин, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалерлари Абдулла Тошпўлатов, Иван Зарубин, Зокир Аҳмаджонов, Костос Зардовос, Иван Доценко, Суван Шодиев, Ғаҳад Ҳакимов, Александра Строляева ва яна бошқа шу каби нишилардир. Улар ҳаммаси ўз меҳнатлари билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Еш авлод вакиллари бўлган Убайдулла Тошпўлатов, Валентин Михайлин, Аҳмед Аметов, Аксиния Ким, Оля Чернасова, Юрий Садаев ва бошқалар оталаридан зарбдор меҳнат эстафетасини қабул қилиб олиб, уни дадил илгари олиб бораяптилар. Булар ўзларининг ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақият билан бажарадилар, жамоат ҳаётида актив иштирок этадилар.

Бизнинг пресслаш-тайёрлаш цехимизда сўнгги йилларда ишлаб чиқаришга янги техникани жорий этиш, уни механизациялаштириш ва автоматлаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Цех янги кучли пресслар ва қайчилар билан жиҳозланди. Штамплар учун механизациялашган омбор ташкил этилди, пайвандлаш учун керак бўлган газ қувурлар орқали келтирилади, қўшимча кўтарма кран ўрнатилди.

1973 йилни биз яхши якунладик. Йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Бригада бутун йил давомида қисқартирилган ҳисобда ишлади. Илгари беш киши ишлардик, ҳозир уч киши ишлаяпмиз. Бизнинг озчилик бўлиб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ташаббусимизни заводдаги кўпгина бригадалар ва участкалар қўллаб-қувватлашди.

Жумладан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, асбобсозлик цехининг токарь-расточниги Борис Ефремов олти кишига мўлжалланган ишни тўрт ишчи билан бажара бошлади. Бурхон Идрисхўжаев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам юксак унум билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг участкасида ўн кишининг ишини саккиз киши бажаряпти.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1973) йил Пленумида сўзлаган нутқида халқ хўжалиги олдига ички резервлардан иложи борича яхшироқ фойдаланиш вазифасини қўйди.

Бизда шундай резервлар бор. Жумладан, заводда икки юздан ортиқ бригада бор. Агар улардан ҳар бири биттадан ўртоғини ажратиб, ишчи кучи етишмайдиган бошқа участкага ю б о р с а, корхона ишчи кучини кўпайтирмаган ҳолда қўшимча 200 нафар маланали ишчига эга бўлган бўларди.

Шу йил бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат, қурилиш ва транспортдаги тўқиқиз ишчининг ташаббусини маъқуллади. Бу борада мен ҳам бор эдим. «Бир беш йиллиқда — икки беш йиллик нормасини бажарамиз» — бизнинг шиоримиз ана шундай.

Мен малакани ошириш, аралаш касбларни ўзлаштириш, меҳнатнинг прогрессив методларини жорий этиш ва рационализация ҳисобига меҳнат унумдорлигини анча ошириш, 1973 йил охиригача яна бир беш йиллик топшириғини бажаришга қарор қилдим.

Шаҳсий беш йиллигимни мен ўтган йилнёқ бажаргандим. Ҳозир 1977 йил ҳисобига ишлаяпман. Икки ёш ишчи — Виталий Духан ва Анвар Турсуновга устозлик қиляпман. Улар меҳнатнинг илғор методларини иштиёқ билан ўрганишяпти, ҳозирданоқ зиммаларидаги кундалик топшириқни бемалол бажаришяпти.

Менинг бригададош ўртоқларим Акмал Усмонов ва Амирмат Нуруллаев ҳам жуда яхши меҳнат қилишяпти.

М. МУЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи слесари.

САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА

Бугун қуюв цехида чиқадиган «Чақмоқ» деворий газетаси коллектив аъзоларини белгиловчи йилнинг беш ойлик топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари билан табриклади. «Ўзбексельмаш» заводининг қуюв цехи, коллективда бошланган меҳнат беллашувида бир неча ой давомида ғолиблик қилмоқда. Қуювчилар ҳар бир меҳнат дақиқасини бевосита ишлаб чиқаришга сарф қилиш асосида юқори кўрсаткичга эришмоқда. Чунки қуювчилар тайёрлаётган деталларни корхонада ишлатиш учун нақадар зарур эканини яхши билишади. Чиндан ҳам қуюв цехида тайёрланаётган 200 дан зиёд деталлар чигит экиш агрегатлари, кўрак чувиндиган машиналар ва далага гербицид эритмаси олиб чиқадиган 20 та агрегат ишлаб чиқарилмоқда. Машинасозлар йил бошидан буён республикамиз пахтакорларига бундай агрегатлардан «мингдан знёд етказиб берди. Завод коллективининг қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳамкорлиги бевосита ривожланиб бормоқда. Машинасозлар бу йил республикамиз пахтакорларининг пахтадан беш миллион тонна «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилганини яхши билишади. Шунинг учун ҳам машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхонада қизғин меҳнат беллашуви давом этмоқда. Заводда бошланган ўзаро социалистик мусобақада қуюв цехининг коллективи ғолиблик қилмоқда. Цехнинг илғор қолиқчилари А. Рустамов, И. Абдуллаев, Ю. Баҳромов ойлик топшириқларни бир ярим, икки ҳисса қилиб адо этмоқда. Улар белгиловчи йил топшириқларини Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги арафасида бажаришга аҳд қилишган.

Интизор Сиддиқова Тошкент тўқимачилик комбинатининг коммунистик меҳнат зарбдорларидан бири. 1-йигирув цехида ишлайдиган бу қиз планларни ҳамиша ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Унумдорлик индустрияси ўсмоқда

Навий Роздолда мамлакатда йирик мураккаб минерал ўғит заводи қурила бошлади. У азот, фосфор ва кальцийга бой юксак даражада концентрациялашган минерал ўғит ишлаб чиқаради.

Корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиши билан мамлакат қишлоқ хўжалиги ҳар йили неча юз минг тонна нитроамофоска олади. Иккинчи навбати фойдаланишга топширилиши билан эса унинг қуввати икки баравар кўпаяди. Бундан ташқари, халқ хўжалиги лаборатория кислотаси олиб туради, махсус установкалар эса тутундан оқ сажа ҳосил қилади.

(ТАСС мухбири).
Львов.

•САЙЛОВДАН-САЙЛОВГАЧА

ХАЛҚИМИЗ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Собир Раҳимов райони 1970 йили ташкил этилди. Бу район Октябрь ва Киров районлари территорияси ҳисобидан ташкил топиб, ўтган тўрт йил мобайнида районда ажойиб турар жой массивлари, мактаблар, болалар боғчалари, поликлиникалар, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун энг зарур бўлган қулайликлар яратилди. Мухбиримиз райондаги агитпунктларда бўлиб, уларда СССР Олий Советига сайловлар кунига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан қизиқди.

Янада гўзал бўлади

Лола НАБИХЎЖАЕВА,
Собир Раҳимов район ижроия комитетининг масъул секретари

— Районимизда ҳозирги вақтда 170 минг аҳоли истиқомат қиляпти. 68 та маҳалла бўлиб, уларда СССР Олий Советига сайловлар кунига қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда. 57 сайлов округида 91 минг 500 киши Ватанимизнинг энг муносиб ўғил-қизларига овоз бериш учун рўйхатга олинди. Яқиндагина газеталарда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг ва Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата мурожаатлари эълон қилинди. Районимиз аҳли бу мурожаатларни тўла маъқуллаб, унда баён этилган қоида ва хулосаларни чуқур ўрганмоқдалар.

2-Қорақамиш массиви ўрнида бундан тўрт йил муқаддам бирорта турар жой биноси йўқ эди. Бугунги кунда бу массивга келиб қолган ҳар бир меҳмон у ерда қад кўтарган ўнлаб турар жой биноларини, 760 ўринли энг сўнгги лойиҳалар асосида ҳамшаҳарларимизга тақдим қилинган поликлиникани, тўртта мактаб ва шунча боқчани массивликлар хизматида эканлигининг шоҳиди бўлади. 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида ҳам ҳозир кўплаб турар жой биноларн билан биргаликда янги-янги маиший хизмат объектлари фойдаланишга топширилмоқда. 4-ЖЭКка қарашли бу биноларда агитаторлар ЖЭК хизматчилари билан биргаликда аҳоли ўртасида таргибот ишларини олиб боришмоқда.

Массивдаги агитпункт

Уткир КАРИМОВ,
114|49 сайлов участкаси раисининг ўринбосари.

Сайлов участкамизда 1-Қорақамиш массивининг 4-микрорайон аҳолиси Ватанимизнинг энг муносиб ўғил-қизлари учун овоз беришади. Бугунги кунда сайлов участкамизда 2500 сайловчи рўйхатга олинди. Райондаги сайлов участкалари ичида бизнинг агитпунктимиз энг каттаси ҳисобланади. Ҳозир бу ерда 25 агитатор аҳолини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча сайловчиларига, гражданларига қарата Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мурожаати — муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат билан яқиндан таништирмоқдалар. Унда сайловдан сайловгача бўлган даврда халқимизнинг қўлга киритган ютуқлари яққол кўрсатиб берилган.

Биз 25 та агитаторимизни уч группага бўлиб, группаларга яна бир бош агитатор тайинлаганмиз. Бу яхши самара бераяпти. Масалан, К. Калонов ва Т. Исҳоқовларни олайлик. Улар 8 тадан агитаторга бошчилик қилишади. Ҳали унча тажрибага эга бўлмаган баъзи бир ҳамкасбларининг саволларига жавоб беришиб, йўл-йўриқлар кўрсатишади.

Бундан ташқари, сайлов участкасида икки сменада навбатчилик қилишни ташкил этганмиз. Ҳар бир сайловчи агитпунктимизга ташриф буюрганида мунтазам ишлаб турган «маслаҳатлар столи»дан ўзи учун керакли саволларга жавоб олади. Яқинда 115-мактаб ўқитувчиси СССР Олий Совети депутатлигига номзод Мавжуда Саидовна Самадова билан учрашув бўлди. Учрашувда бизнинг агитпунктимиздан ҳам кўплаб сайловчилар иштирок этишди.

Агитпунктимизда «Қизил бурчак» ишлаб туради. Бу ерда шашка, шахмат ҳоналари, кўплаб китоб фондига эга бўлган кутубхонамиз ҳам бор. 600 ўринли залда бадиий ҳаваскорларимиз ижросида концертлар қўйиб турамиз.

Шанба кунлари медицинага оид юридик консультация ўтказилади. Бундан ташқари халқаро темада лекциялар, «Депутат ва ҳаёт» мавзуда суҳбатлар ва кинофильмлар уюштирилади. Бугунги кунда биз рўйхатларни яна бир бор текширишдан ўтказмоқдамиз. Беморларни аниқлаш ва командировкага кетиб қолувчиларни олдиндан билиш мақсадида, ана шу текширувни ўтказмоқдамиз.

Тайёргарлик қизғин

Жалил ЁҚУБОВ,
75|10 сайлов участкаси раиси.

Агитпунктимиз Чкалов номли 23-ўрта мактабда жойлашган. СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар кунига қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу сайлов участкасидан асосан «Ғайрат», «8 март», «Эркин» ва «Қурилиш» маҳаллалари аҳолиси ўтади. Биз 2518 сайловчини рўйхатга олдик. Агитаторларимиз маҳалла аҳли билан суҳбатлар ўтказмоқда. Яқинда газеталарда чиққан Совет Социалистик республикалари Иттифоқининг барча сайловчиларига, гражданларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мурожаатини аҳоли ўртасида кенг пропаганда қиляпмиз.

Бундан ташқари, агитаторларнинг ўзи билан ҳам ҳафтада бир марта семинар-машғулоти ўтказиб турилади. Бунга ўқитувчилар дан Ёқубов, Пўлатов, Ғиёсов ўртоқлар бошчилик қилишади. 50 агитаторимиз, жумладан, М. Сайдакбаров, М. Юнусов, Д. Турсунхўжаева, А. Давидовлар аҳоли ўртасида тақсинга сазовор бўлишмоқда. Мактабда «Агитатор» деворий газетаси чиқарилмоқда. Янги мактабда бугунги кунда 71 ўқитувчи 1400 ўқувчига таълим бераяпти. Ўқишлар икки сменада олиб борилаяпти. Агитпунктда икки сменада навбатчиликни ташкил қилганмиз. СССР Олий Советига сайловлар кунига саноқли кунлар қолди. Агитпунктимизда бу муҳим сиёсий кампанияга пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.



Суратларда: 414|49 сайлов участкасининг бир группа агитаторлари (юқоридаги сурат) сайловчилар ҳузурига йўл олишмоқда. 28-мактаб биноси жойлашган агитпунктда сайловчилар билан агитаторларнинг учрашувлари тез-тез ўтказиб турилади. Сиз бу суратда агитатор Н. Халилованн сайловчилар билан суҳбатини кўриб турибсиз.

Ю. Бутусов фотолари.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

Раҳмат, устозлар

«Сервис» фирмасининг Навоий кўчасидаги 30-«а» уйда жойлашган филиалида бир группа педагоглар репититорлик машғулотлари олиб борадилар. Бу хайрли ишга группа методисти Ц. И. Найдина бошчилик қилади.

— Аввало, шуни айтиш керакки, —дейди методист,— группамизнинг мавжудлиги ва фаолияти кўпчиликка маълум эмас. Бизнинг мақсадимиз болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов группаларидаги айрим чет тилини ўрганишга иқтидорли бўлган ўғил-қизларни ҳамда турли сабабларга кўра ўз мактабида ўқитилаётган чет тили программасидан орқада қолиб кетган ўқувчиларни, шу билан бирга, чет тили билан шуғулланишга истак билдирган катта ёшдаги кишиларни мазкур предметдан чуқур маълумотга эга қилиш. Бу иш аввало, ота-оналар, боғча мудиралари, тарбиячилар, ўқувчи, тингловчиларнинг ўзлари истаган тақдирда, улар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ишимизда асосан, икки усул мавжуд: индивидуал ва коллектив тартибда машғулотлар ўтказиш. Биринчи усулни мактаб, болалар уйлари, интернат-мактабларнинг ўқувчилари, катта ёшдаги кишилар билан, коллектив усулни эса болалар боғчаларида тарбияланувчилар билан машғулот ўтказишда қўллаяпмиз. Машғулотларимиз ўқувчи-тингловчиларнинг билим доираси, ёш хусусиятлари, хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Группаларимизга Ольга Петровна Перевертайло, Людмила Сергеевна Гордеева, Римма Шокирова сингари инглиз, француз, немис тилларининг мутахассислари жалб қилинган. О. П. Перевертайло 1-уйсозлик комбинатига қарашли 1, 3, 4-болалар боғчасида инглиз тилидан машғулот олиб боради. Ҳафтада 3 марта 25 минутдан ўтказиладиган бу машғулотларда инглиз тилида жарангли, жарангсиз, унли, ундош товушларнинг қандай талаффуз қилинишининг тушунтириши, турли-туман рангли расмлар, китоблар, инглиз алфавити ёзилган карточкалар кўрсатади.

Мактаб ўқувчилари, ота-оналар етакчи репититор ўқитувчи Людмила Гордеева олиб бораётган индивидуал машғулотлардан жуда хурсанд.

Биз Фрунзе районидаги Глинка кўчасида жойлашган 48-уйнинг 74-квартирасида бўлдик.

— Ҳа, Людами?— деди уй соҳибаси Мария Константиновна Матвеева.— У қизим Маринага инглиз тилини ўргатяпти. Улар ҳар бир машғулотда кам деганда 2 соат шуғулланишади. Қизим Ленин районидаги 93-мактабнинг 8-синфида ўқийди. Немис тилини аъло баҳога ўзлаштиради. Инглиз тилига ҳам зеҳни монанд нелаяпти. Буни қаранг-а: «Келгусида таржимон бўламан», дейди қизим.

Биз Людмила Сергеевнадан жуда мамнунмиз. Раҳмат унга!

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ДИССЕРТАЦИЯ МОСКВАДА ЁҚЛАНДИ

Тошкентдаги Энгельс номли чет тиллар Давлат педагогика институти ўқитувчиси Эльвира Сергеевна Азнаурова узоқ йиллардан бери инглиз грамматикаси бўйича илмий ишлар билан шуғулланиб келмоқда. Олиманинг олиб борган тадқиқотлари яхши самаралар берди. У яқинда Москвадаги Морис Торез номли чет тиллар Давлат педагогика институтининг бирлашган илмий советида «Инглиз тили стилистикасида сўз ясаш усуллари» деган темада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ўзбекистонда инглиз тили бўйича биринчи диссертантнинг илмий ишига мамлакатимизнинг таниқли тилшунос олими, профессор И. Р. Гальперин раҳбарлик қилди.

Илмий совет йиғилишида қатнашган тошкентлик олимлар москвалик устозларининг яқиндан берган ёрдамлари учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Яқинда фойдаланишга топширилган Санъат музейининг янги биносига кўплаб томошабинлар ташриф буюришмоқда. СУРАТДА: музей залларидан бирида.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкентда мамлакатнинг пахтачилик зонасида ерларни мелиорациялаш ва тупроқнинг нурашига қарши кураш масалаларига бағишланган илмий конференция ўз ишини бошлади. Конференция В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг Ўрта Осиё бўлими, СоюзНИХИ Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва Сув хўжалиги министрликлари ташаббуси билан чақирилди.

Конференцияда Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон олимлари ва мутахассислари қатнашмоқдалар.

Мажлислар икки секцияда ўтказилади. Мелиорация секциясида пахтачиликнинг турли зоналаридаги ерларнинг ҳозирги тупроқ, мелиоратив ҳолатига, бир ҳавза доирасидаги дренаж ва суғориш суви ўртасидаги ўзаро алоқага, ётиқ ва тик дренажнинг агромелиоратив самарадорлигига, шўр босган тупроқни суғориш ва шўрини ювиш учун минералашган сувларни магнит усулида ишлаш, сизот сув сатҳининг энг мақбул режими ва суғориш режимига, ғўзани коллектор-дренаж суви билан суғориш имкониятларига, минераллашган сизот сувлардан шўр ювиш учун фойдаланишга тааллуқли ва бошқа кўпгина масалалар муҳокама қилинади.

Тупроқ нурашига қарши кураш секциясининг мажлисида конференция қатнашчилари нурашга қарши курашнинг ташкилий, агротехника ва химиявий тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилаётган илмий тадқиқотларнинг аҳволи ва истиқболларини, шунингдек, Ўрта Осиё республикаларининг суғориладиган ва тупроғи нурай бошлаган зонасидаги тупроқ унумдорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ХОДИМ

(ҲАЖВИЯ)

Кичкина хонада беш нищи ўтирамиз. Тўрт эркак ва бир аёл. Гап хотинлар ҳақида бораётгани учун яхшиси, сизга Ҳалима Узоқовнанинг ўзини таништириб қўя қолай. У 35 ёшлардаги келишган аёл. Биз билан доимо хушмуомалада, лекин, ўзига яраша инжиқлиги бор. Ниҳоятда озодагарчиликни севади. Стол-стулини бир кунда камида ўн марта қайта-қайта тозалаб артади. Биз ноилож унга тақлид қиламиз. Ҳаммамиз ўлгудек кашанда бўлсак-да, хонада мутлақо чекмаймиз. Негаки, Ҳалима Узоқовна папирос чекишнинг зарари ҳақида батафсил тушунтириб кетади.

У ижодий командировкага ёки бирор топшириқ билан кетган кунлар ўзимизни ниҳоятда эркин ҳис этамиз. Айниқса, бемалол ёзнлиб чекишимизни айтмайсизми? Сухбат қизиган баъзи кунлар эса, ишга мутлақ қўл урмай кечкурун барвақт жуфтак ростланади. Хуллас, «ўзимиз хон, кўланкамиз майдон».

Ҳалима Узоқовна қайтиб келган кундан бошлабоқ ҳаммасига чек қўйилади. Яна тартиб, озодагарчилик бошланади.

— Мен йўғимда ноинсофлик қилиб тоза чекканга ўхшайсизлар, ўртоқ эркаклар. Хонанинг ҳавоси бузилиб кетибди, — дея энсамизни қотириб, кун бўйи деразаларни очиб қўяди.

Бир куни эрталаб ишга келсам, хонамизда ёлғиз Кабир ўтирибди. Жуда хурсанд, кўришгани қўл узатсам, у ўриндан тура солиб, мени қучоқлай кетди.

— Табриклайман, дўстим.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Саҳарда келинингизни тўғруқхонага ташлаб келганимни эслаб, юрагим тарс ёрилай деди. Демак, у ердан ишхонага телефон қилишибди-да.

— Ўғилми, қизми? —сўрадим ҳаяжондан.

Кабир суриштириб ўтирмай, қотиб-қотиб кулди. Сўнг қулоғимга пичирлади. «Ҳалима Узоқовна бошқа жойга ишга кетаётганмиш. Суйничини чўзавер».

Тўрт ҳамхона бирбиримизни табриклаб бўлган ҳам эдикки, хонага у кириб келди. Одатдагидек, биз билан қуюқ сўрашиб бўлгач, бориб деразани очди.

— Шунақа, ҳурматли эркаклар. Сизлар билан хайрлашадиган бўлдик,— деди стол устини тозалаб артаркан.

Тавба бу сўзни эшитиб, ҳаммамиз бенхтиёр ўрнимиздан баравар турибмиз. Бунинг устига Карим «шошқалоқ» томдан тараша тушгандек, «жуда қойил бўлибди», деб юборса бўладими. Яхшиямки, Ҳалима Узоқовна бу гапга эътибор бермади, ёки ўзини билмасликка олди шекилли, ҳар қалай унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш кўрмадик.

— Бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик, — тилёғламалик қилди Кабир.

— Уйдагиларга нуқул сизни ўрнак қилиб мақтайман, — «даган»ликка ўтди Қодир.

— Рост, чиндан ҳам ҳақиқий фариштасиз. Одоб, тартибни сиздан ўргандик.

Зўрма-зўраки айтилган бемаъни гапимдан ўзим ҳам хижолат бўлиб кетдим.

— Қўйинг, бизни ташлаб кетманг, — олдинги айбини ювмоқчи бўлди Карим.

Ҳаммамиз унга маъноли тикилдик. Карим қарашимизга тушуниб чайналди.

— Яна ким билади...

— Эътиборларингиз учун раҳмат, эркаклар. Лекин, на чора, хайрлашишга мажбурмиз.

Орадан уч кун ўтгач, Ҳалима Узоқовна билан салкам «йиғлаб» хайрлашдик. У бизга қўл узата туриб, охирги буйруқни берган эдик-да, — Саломат бўлинглар, ўртоқ эркаклар, Хонамизни мен боримдек, озода, тартибли тутинглар. Шундай қилсангиз, дилингиз равшан, нишингизда ривож бўлади. Камроқ чекинглар.

Энсамиз қотиб кетди. Аммо ҳаммамиз ноилож узуқ-юлуқ қилиб бўлса ҳам унинг фикрини қувватладик.

Ҳалима Узоқовна кетди. Ўша куни, ўша соатнинг ўзидаёқ Кабир девордаги «чекиш мумкин эмас» деган ёзувли қоғозни юлди. Хурсандчиликка биттадан тутатдик. Ҳалима Узоқовнадан ийманиб, олдимизга киролмайдиган ёнма-ён хоналардаги дўстларимиз чиқиб, бизни табриклашди. Оммавий чекиш бошланди. Шу аҳволни Ҳалима Узоқовна бир кўрсаборми, ўлай агар, икки ҳафта деразаларни очиб қўйиб, хонани шамоллатарди.

Кун тартиби ҳам, иш соати ҳам ўзгарди. Эрталаб келиб, энди ишга қўл урушинг билан бирин-кетин дўстларимиз кириб келишаверади. Кеча ким қаерда бўлганидан тортиб, ким тун бўйи хотини билан уришиб чиққанигача навбатма-навбат ҳикоя қилинади, Кетма-кет чекилади. Ҳамма тарқалгунча қарабсизки, тушлик бўлибди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас, кимдир яна эшикдан бош суқади.

— Қани бўлинглар, кетдик. Бешёғочга бориб бир лағмонхўрлик қилайлик. Тушлик ҳам баъзан икки соатга чўзилади. Овқатдан қайтгач, яна бизнинг хонада чойхўрлик бошланади. Бир пиёла чой устида — суҳбат авж олади.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бу даврда бошлиқдан бир-икки бор танбеҳ ҳам эшитиб олдик. Бир куни янги ходим келармиш, деган хушхабарни эшитиб қолдик. Ким экан? Эркакми, аёлми? Ишқилиб Ҳалима Узоқовнага ўхшаган инжиқ хотинлардан бўлмасинда... Эртасига бошлигимиз янги ходимни олиб кириб таништирди. Раъно Олимжоновна 30 ёшлардаги келишган аёл экан. Пўқ, у Ҳалима Узоқовнага ўхшаган инжиқ ҳам эмас. Гапни узоқдан айлантириб, чекишнинг зарари тўғрисида тушунтириб ўтирмади. У самимий лекин жуда шартаки экан. У келган куни Кабир секингина тортмасидан сигарет олиб, эзғилай бошлаган эди, Раъно Олимжоновна ўрнидан дик этиб турди-да, эшикни очди.

— Бир ғайрат қилиб коридорга чиқиб келсангиз, — деди кулимсираб. У бу гапни шунчалик ширин табассум ва шу қадар қатъий оҳанг билан айтдики, бенхтиёр хонадаги тўрт эркак олдинма-кейин коридорга йўл олдик. Шунда Ҳалима Узоқовнани эслаб, негадир хўрсиниб қўйдик. Лекин, ундан ҳам, Раъно Олимжоновнадан ҳам сира хафа эмасдик.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Мутахассис минбари

Токларни озиқлантириш

Ток ҳосили бир йиллик новдаларда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўсаётган кўк новдалар ёз даврида яхши парваришланса, улар чиниқади, узум бошлари яйраб катталашади, ғужумларида кўплаб қанд моддаси йиғилади. Рангдор ва қандли узум бошларини узоқ ерларга юбориш ва қиш даврида узоқ муддат сақлаш имкониятлари туғилади.

Ток тупида бир неча дона бир йиллик кўк новдалар ўсиб чиқади. Шу кунларда ток тугунларидаги бир йиллик кўк новдалар барқ уриб ўсмоқда. Бир йиллик новдаларда узум шўралари тўлиқ шакилланди. Кунлар исиши билан шўралар ўсиб катталашади, ҳаво иссиқлиги 20—23 градуса етганда шўралар гуллай бошлайди.

Шўралар яхши етилиб ўсиши ва ривожланиши учун шу кунларда ток тупида бўлган ортиқча ҳосилсиз ва керак бўлганда иккинчи даражали ҳосилли новдаларни олиб ташлашга тўғри келади. Масалан, булутли бир йиллик новдаларда жойлашган куртаклардан 2—4 тагача янги кўк новдалар ўсиб чиққан бўлса, албатта улардан 2 та ҳосили борини қолдириб қолганларини қўлда аста-секин чимдиб олиб ташлаш зарур. Бу иш токлар гулга киргунга қадар ўтказилса озуқа моддалар беҳудага сарф-ланмайди. Кўк новдаларни ҳаддан ташқари тортиб бойламаслик керак. Акс ҳолда чипта новдаларни қирқиб юбориши мумкин.

Қишда зарарланиб қуриб қолган занг ва новдаларни ток қайчиси ва қўл арраси ёрдамида танага тақаб олиб ташлаган маъқул. Ток тўлиқ гуллаб бўлиб, ғўра катталиги мошдек бўлганда иккинчи марта хомток ўтказиш лозим. Бунда шу йилги кўк новдаларнинг барг қўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдаларнинг узунлиги 15—20 сантиметр бўлганда уларни қолдирмай қўлда чимдиб олиб ташлаш керак. Ёз давомида кул касаллигига қарши олтингугурт сепиш 15—20 кун ичида 2—3 марта такрорланади. Ток новдалари барглари, гажак - мўйловчалари ёзнинг биринчи ярмида актив ўсади. Ёзнинг иккинчи ярмида эса ўсиш анча сустлашади. Шу биринчи ўсиш даврида ток ердан кўплаб азот, фосфор, калий ва микроэлементлар сарф-лайди. Ер қатламларида нам 18—20 процент бўлса ток новдаси яхши ўсади.

Ёзнинг биринчи ярмида ток яхши ўсишини таъминлаш учун ток атрофига азот, фосфор ва калий ўғитлари солиб турилади. Фосфор ва калий ўғитларини кузда ер шудгор қилиб кўйишдан олдин солинса, азот ўғити баҳорда ва иккинчи марта ғўра хомтокдан кейин солинади. Ҳосилга кирган ҳар бир туп ток атрофига 300—400 грамм аммиак селитраси сочиб 10—12 сантиметр чуқурликка кўмилади ва кетидан ариқ одиниб сув қуйилади. Аммиак селитраси сувда тез эрийди ва нам билан ернинг пастки қаватларига қараб силжиб тушади. Ўсимлик бундай озиқлантиришдан яхши ўсади. Иккинчи озиқлантириш ғўра хомток қилишдан кейин ўтказилади. Бунда ҳам 300—400 грамм аммиак селитрасига 3—4 килограмм чириган органик ўғит аралаштириб ерга солинади. Шунда ер унумдорлиги кўтарилади, нам ва иссиқ сақлаш имконияти ҳам яхшиланиб, ердаги микроорганизм л а р фаолияти бир мунча яхшиланади.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Конкурс ғолиблари

Спорт

Шу йилнинг бошида «Тошкент оқшоми» газета редакцияси давлат автомобиль инспекцияси ва пассажир автомобили транспорти бошқармаси билан биргаликда шаҳримиз кўчаларида ҳаракат қоидалари бўйича энг яхши билимга эга бўлган пиёдалар конкурсини ўтказган эди. Бу конкурс ҳамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотди. Редакциямиз учта турда берилган саволларга кўплаб жавоблар олди.

Бу масалада Денисовлар оиласи, З. Қўчқоров ва Е. Золотухиналар ўзларининг бой билимларини кўрсатишди. Яқинда конкурсимиз ғолиблари редакциямизда бўлишди. Уларга мукофотлар— транзистор приёмниклари топширилди.

Шундан сўнг биз конкурс ғолибларидан кўча ҳаракати қоидасини қандай қилиб, қаерда ўрганганликларини сўзлаб беришларини улардан илтимос қилдик.

Денисовлар бу масаладанайниқса яхши хабардор эканлар. Оила бошлиғи Виктор Алексеевич аввалари автомобиль ҳайдаган экан, ҳозир эса авна заводида ишлайди. Унинг турмуш ўртоғи Людмила Павловна 220-мактаб ўқитувчиси. У дарсларда ўқувчиларни кўча ҳаракати қоидалари билан таништиради. Мактабда ана шу фанни унинг қизи — 3-синф ўқувчиси Таня ҳам ўрганади.

Денисовлар конкурсга ўз жавобларини журналлардан чиройли қилиб олинган суратлар ва фотографияларни альбомга жойлаштирган ҳолда юборишган. Бу кўргазмали қўлланмани тайёрлашда беш ёшли Алик ҳам иштирок этган.

34-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Зокир Қўчқоров ҳам кўча қоидаларини мактабда ўрганган. Бунда унга ва унинг дўстларига чизмакашлик ўқитувчиси А. И. Петреченко ёрдам берган.

Гуманитар факультетлари чет тили кафедрасининг катта лаборанти Е. А. Золотухина бевосита бизнинг конкурсимиз мавзуи билан боғланган эмас. Лекин Евгения Золотухина шаҳримиз нўчаларидаги ҳаракат проблемалари билан боғлиқ мақолаларни доим қизиқиш билан ўқиб боради.

СУРАТЛАРДА: чапда Денисовлар оиласи; юқорида З. Қўчқоров ва Е. Золотухиналар.

В. БЕЛОПЛОТОВ
фотолари.

Халқаро ўртоқлик учрашуви

Футбол

«Луна-парк»—журналистлар терма командаси

3 июнь, душанба куни соат 18 дан 30 минут ўтганда «Старт» стадионида футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Бу ўйин «оқшом» газеталари ташаббуси билан ташкил қилиниб, «Луна-парк» (Чехословакия) терма командаси билан Тошкент журналистларининг терма командаси учрашади. Стадионнинг ҳамма эшиклари очиқ бўлади. Ўйинни томоша қилиш учун ҳамма такляф этилади.

Журналистлар футбол ўйнаш қийинми ёки футбол, ҳақида мақола ёзиш қийинми? — ана шуни бир синаб кўришмоқчи. Майдон эгалари составда «Правда Востока», «Комсомолец», Ўзбекистана», «Фрунзевец», «Тошкент оқшоми»нинг ва АПН мухбирлар пункти журналистлари иштирок этишади. Бу-лар учун албатта анча қийинчилик туғилади, чунки «Луна-парк» ўйинчилари кўплаб халқаро учрашувлар ўтказишиб, анча тажриба ортти-ришган. Ўтган йили июнь ойида чехословакияликлар Олмаота журналистлар терма командасини мағлубиятга учратишган.

Рақиблар ҳозирча ўйинчилари номини айтишни сир тутишяпти. Ҳозирча аттракцион директори Иржи Кризл журналистлар билан суҳбатда «Луна-парк» терма командасидан майдонга энг яхши ўйинчилар тушишини айтди.

Матч ўйинчилари учун газета редакциялари, Ўзбекистон футбол федерацияси ва шаҳримиздаги бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан мукофотлари таъсис этилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ИРҚЧИЛИК ВА АПАРТЕИДГА ҚАРШИ

БЕРЛИН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг апартеид масалалари билан шуғулланувчи махсус комитетининг сессияси бу ерда очилди. Сессия Жанубий Африкада ирқчилик ва апартеид сиёсатининг пайини қиришга қаратилган тадбирларни мувофиқлаштириб олиб боришга бағишланган. Сессия ишида комитет аъзолари билан бирга Африка мамлакатлари миллий озодлик ҳаракатлари, миллий тинчлик кенгашлари ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Мажлисда Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри вазифасини ижро этувчи О. Фишер нутқ сўзлади. У айтдики, ГДР Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезиядаги ирқчи режимларига қаратилган ҳамма қарорларига бундан буён ҳам қаттиқ риоя қилади. ГДР ҳукумати шу хилдаги сессия биринчи марта социалистик давлатда ўтказилаётганлигини юксак шараф деб, ГДРнинг Африка халқлари миллий озодлик ҳаракатлари билан бирдамлиги соҳасидаги фаолиятига берилган баҳо деб ҳисоблайди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари апартеидга қарши ва ирқчиликнинг ҳар қандай формаларига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда Варшавада бўлиб ўтган кенгашида, деди О. Фишер, бу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг апартеид масалалари билан шуғулланувчи махсус комитетининг вазифаси, деди шу комитетининг раиси Э. Огбу (Нигерия), ирқчилик ва апартеидга қарши, Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракатлари билан бирдамлик учун курашда жаҳон жамоатчилигининг жиплаштиришдан иборат.

Комитетнинг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

АГРЕССИВ ҲАРАКАТЛАР

БАЙРУТ. Исроил ҳарбийлари кеча Жанубий Ливан территориясида жойлашган Седдан ва шаҳар чўқиларини босиб олишга яна урининб кўрди. Ливан мудофаа министрлигининг ахборотида хабар берилишича, Ливан артиллериясининг жавоб ўти агрессорларни тумтарақай қочишга мажбур этган.

Исроилликлар Жанубий Ливаннинг Аркуб районидаги аҳоли пунктларини ёппасига тўпга тутди.

Байрутда чиқадиган «Дейли стар» газетасининг мухбири Исроил ҳарбий катерлари кеча Ливаннинг территориал сувларига бир неча марта бостириб кирганлиги ни хабар қилди. Ҳарбий катерлар ҳатто Жанубий Ливан соҳилигача бостириб кирган.

Гавана яқинида жойлашган Хосе Марти номидаги металлургия заводи Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдамида қайта қурилди ва ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Корхона 1976 йилда тўла модернизация қилинади. Лекин, шунга қарамай ҳозир бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1959 йилга нисбатан олти мартадан кўпроқ ошди. Утган йилги йиллик план Октябрь ойида бажарилган эди. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси меҳнатни аниқ ташкил этиш ва социалистик мусобақани кенг йўлга қўйишнинг самарасидир.

СУРАТДА: совет металлургия Хосе Марти номли комбинат территориясида.

ПРЕСС—Латин— АПН фотоси.

ГФР ЕШЛАРИНИНГ БИРДАМЛИГИ

БОНН. Германия Федератив Республикасидаги ёшларнинг йирик ташкилотлари — социалистик немис ишчи ёшлари, «Ёш социалистлар», «Лочинлар», «Ёш демократлар», «Табиат дўстлари» ташкилотлари шу йилнинг июнь ойида Ҳинди-Хитой халқлари билан бирдамлик кампанияси ўтказишга қарор қилдилар. Шу ташкилотларнинг баёнотида бу кампания Ҳинди-Хитой халқларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, Вьетнамга бағишланган Париж битимини бажариш учун курашга қаратилганлиги таъкидланади. Бирдамлик кампанияси ГФРнинг бутун территориясида ўтказилади.

Гангстерлик бизнес бўлиб қолди

Япония полицияси гангиб қолди: гангстерлик ва ташкилий ўғирликни туғатиш учун энг кескин уринишлар қилиб кўрилишига қарамай бош-полиция бошқармаси Японияда ҳозир ҳам гангстерликлар сони 150 мингга етганини қайд этишга мажбур бўляпти. Улар 2700 тўдага уюшган бўлиб, бу тўдаларнинг баъзилари ўн мингтача одамга эга.

«Майнити» газетаси мазкур рақамларни мисол қилиб келтирар экан гангстерлик бизнеснинг ошкор турларини ҳам тартибга солиб турадиган қонун бўйича ривожлантиряпти, деб тушунтиради. Майда тўдаларга капиталистик экономиканинг турли соҳаларидаги майда корхоналар сингари омон қолиш қийин бўляпти ва улар йирик таловчиларга бўйсунишга мажбур бўлмоқдалар.

Японияда навбатдаги фирманинг инқирозга учрагани тўғрисидаги хабарга кўп одамлар эътибор бермайди. Жиноятчилик оламида «таъсир фирмаси»ни бўлишиб олиш эса бошқа гап. Ахир бу иш одат тусида тўппончалардан отилган ўқларнинг қарс-қурси ва автоматлардан қаторасига ўқ отишлари билан олиб борилади-да. Газета ва радио, телевиденнелар Токио, Осаки, Иогами ва бошқа шаҳарларнинг «ишратхонали кўчалари»да бўлиб ўтган гангстерлар тўқнашувининг тафсилотларини лаззатланиб таърифлайдилар. Японияда ҳоҳлаган ўғил бола бу тўдаларнинг қандай аталишини, у ёки бу жиноий синдикат нимаси билан шуҳрат қозонганлигини сўзлаб бераолади. Жиноятчилар матбуотнинг ҳаракати туфайли романтика пардаси билан қуршаб олинган.

Японияда гангстерлари ҳар йили 12,5 миллиард ц е н д а н кўпроқ пул «ишлаб топадилар». Айтгандай, бу расмий равишда тасдиқланган рақам холос. Криминалистлар бу рақам камида ўн баравар бўлмаса юз баравар камайтирилган, деб асосли фараз қилмоқдалар. Шуниси ҳам борки, жиноятчилик оламининг даромадлари кейинги икки йил давомида икки баравар ошганлиги қайд қилинади. Эскича қоронғи тунда кекирдагига пичоқ тираб «ҳамён ё ҳаёт» деб пул талаб олиш усуллари ривожтлар учун қолиб кетди. Замонавий гангстерларнинг ташқи кўринишидан ҳам қоракўзойнак тақиб, адабсиз ҳулқ-атворлари билан ажралиб турган ўтмишдошларига ўхшамайди. Гангстерликнинг ҳозирги бизнесменлари амалда бошқа хизмат доираси вакилларидан ажралиб турмайдилар. Улар наркотик ва уятли суратлар сотиш, қимор ўйнаш ва таъмагирлик қилиш билан шуғуллансалар ҳам буларнинг ҳаммаси улар учун бизнес ҳисобланади, холос. Уларга бу бизнес хавф-хатари одатдаги бизнесмен хавф-хатаридан ошиқмас.

Гангстерларни бутун Японияда 26 минг савдо компанияси ва магазинларида озиқлантиришаётгани расмий равишда аниқланган. Бандитлар «кўнгил очиш индустрияси»нинг ҳар учинчи муассасаларидан кинотеатр, стадионларидан ўзига хос «солиқ» олиб туришади. Шунинг учун гангстерларнинг Японияннинг анча бой одамлари жумласига қўшиш мумкин. Лекин улар ҳали энг бой кишилар эмас.

Яқинда матбуотда йиллик даромад 10 миллион нендан ҳам ошиб кетадиган японларнинг рўйхати пайдо бўлди. Бу рўйхатда 240 минг киши бор. Шунисн диққатга сазеворки, рўйхатдаги ҳар юз кишидан 97 нафари ер билан чайқовчилик қилишдан бойлик орттирган. Мисол учун Нуматадаги ёғоч тайёрлаш компаниясининг президенти М. Хасогов ва бу бизнесда 5 миллиард нен орттирди. Гангстерлар уларни қувиб ета олмайди, албатта, Айтгандай, полиция гангстерлар ер билан савдо қилишга ҳам ўз «панжаси»ни узатади» деб фараз қиляпти.

А. ЛАЗАРЕВ,
АПН мухбири.
Токио.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телевидение студиясининг бир ҳафталик программаси

3 ИЮНЬ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Рангли телевидение. «Сенга, ёшлик». Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». 14.00 Спорт ҳақида суҳбатлар. 14.30 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 16.40 Кўрсатувлар программаси. 16.45 «Қўриқ: фан ва тажриба». 17.15 «Объектив». 17.45 Рангли телевидение. «Сизнинг боғингиз». **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм-концерт **Рус тилида:** 18.45 Совет Армияси жангчилари учун. «Биз — танкчилармиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.25 «Калинин областининг муқобил плани — амалда». Кўрсатувда Калинин область партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Коротков иштирок этади. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.10 Оламда нима гап? 20.30 Ўн минут музика. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Рангли телевидение. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти. «Баҳор» концерт залидан олиб кўрсатилади. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.45 А. С. Пушкин. Адабий портрет. Шоир туғилган кунинг 175-йиллиги олдидан. (Ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.15 «Биз — ишчи синфимиз». Донецк шаҳрида бўлиб ўтган ишчилар синфи ҳақида Бутуниттифоқ телевизион фильм-лар кўригида. 19.15 Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.25 «Фарзандларимиз ҳаёт бўсағасида» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 20.10 Рангли телевидение. М. Горький «Ҳўжайин». Телевизион спектакль премьераси. 21.35 Рангли телевидение. «Лучина» ҳаваскорлик вокал-чолғу ансамблининг концерти. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Аҳолига кўплаб товарлар» (рус тилида). 22.30 Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.45 «Қўшиқ — ҳамроҳимиз». Музикали эстафета. Ростов-Дондан олиб кўрсатилади. 23.45 «Тўқувчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Экран — болаларга. 18.10 «Билим» телевизион мактаби. 18.40 Янгиликлар. 18.55 «Бу ҳаммага таалуқли». 19.25 Москва. «Калинин областининг муқобил плани — амалда». 20.10 «Сизга қандай хизмат қилмоқдалар?». 20.30 Ҳужжатли фильм. 20.40 Янгиликлар. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.10 «Театр сизнинг хонангизда». 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.45 «Отишма». Бадиий фильм (рус тилида).

4 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Моҳир қўллар». 13.00 Рангли телевидение. «Поэзия». В. Федоров шеърлари. 13.15 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 14.15 Рангли телевидение. «Баян» рус камер оркестрининг концерти. 14.55 С. Михалков. «Азиз болалар». Москва ёш томошабинлар театрининг спектакли. 16.35 Кўрсатувлар программаси. 16.40 Рангли телевидение. «Ғалла — ризқ-рўзимиз». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 17.00 Эфирда — «Молодость». **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун мультфильм. 18.40 Ўқувчилар учун. «Ассалом, пионер ёзи». (Ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.10 «Сайловдан-сайловгача». 19.40 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.55 Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. «Чорвачилик факультети». 20.25 Ўн минут музика. 20.35 «Ахборот» информацион программаси. 20.55 Мусиқа жаванни. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.45 «Кино оламида» (Ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 11.00 «Цивиля лақабли кучукчанинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильмнинг 1-серияси. 11.30 Саҳнада бўлажак артистлар. **Москва кўрсатади.** 17.55 Рангли телевидение. «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 19.05 Рангли телевидение. «Волго-Балт беш йиллик ҳизматида». 19.20 Янгиликлар. 19.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Почтальон ва почта». 19.45 Рангли телевидение. СССР Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.15 Экранда — кинокомедия. «Само йўлларида». Бадиий фильм. 21.30 П. И. Чайковский номли V халқаро конкурси олдидан. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 «Чили лавҳалари». Рассом Илья Глазунов. 22.25 Ҳужжатли фильмлар экрани. **Москва кўрсатади.** 22.45 1974 йилда СССР Давлат мукофотига номзодлар. СССР халқ артисти М. Бнешу концерти. 23.30 «Ўчмас чироқ ёғдуси». 00.05 Рангли телевидение. Спорт кундалиги. 00.35 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. 19.15 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). 19.40 Надя Павлова рақсга тушади. **Рус тилида:** 20.00 Реклама ва эълонлар. 20.10 «Пушкин ҳақида монолог». Телевизион фильм. 21.00 «Тренер». Бадиий фильм.

5 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Пушкин ҳузурида». А. С. Пушкин музей ўйидан репортаж. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 13.00 «Ишчилик — касбу-корим». Телевизион очерк. 13.30 Рангли телевидение. М. Горький. «Ҳўжайин». Телевизион спектакль. 14.55 «Мен — Медвежий». Ҳужжатли фильм. 15.15 ССР Иттифоқи Большой театри артистларининг концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. (Эзиб олинган). **Тошкент кўрсатади.** 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Болалар учун мультфильм. **Узбек тилида:** 18.00 Болалар учун. «Юлдузча». Телевизион журнал. 18.30 Миллионлар леннича университети. 18.45 Ака-ука Ваҳобовлар куйлайди. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). 19.30 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 19.40 Ўн минут музика. 19.50 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Воҳанинг жон томири». 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 «Саҳна усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Турсунхон Жаъфарова. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.45 Футбол бўйича СССР кубоги. Чорак финал. «Спартак» (Москва) — «Заря» (Ворошиловград). 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 11.00 «Цивиля лақабли кучукчанинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильмнинг 2-серияси. 11.35 Ўқувчилар учун. «Ёш куч» спорт программаси (ўзбек тилида). 12.10 «Граф Нулин». Бадиий ўқиш. **Москва кўрсатади.** 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Рангли телевидение. «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 18.50 Китоблар оламида. 19.20 Янгиликлар. 19.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Колокольчик» театри. 19.45 Қишлоқ учрашувлари. 20.15 Рангли телевидение. «Галабадан сўнгги ҳаёт». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.10 Рангли телевидение. «Қўшиқларимиз». А. Родионова. «Ўйимиздаги акс садо». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Азимут». Турист-ўлкашунослик клуби (рус тилида). 22.30 «Ҳукумат аъзоси», Бадиий фильм (рус тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 19.15 Музикали сайр. 20.05 Реклама ва эълонлар. 20.15 «Борис Годунов». Фильм-опера.

6 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Моҳир қўллар». 13.00 Рангли телевидение. «Поэзия». В. Федоров шеърлари. 13.15 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 14.15 Рангли телевидение. «Баян» рус камер оркестрининг концерти. 14.55 С. Михалков. «Азиз болалар». Москва ёш томошабинлар театрининг спектакли. 16.35 Кўрсатувлар программаси. 16.40 Рангли телевидение. «Ғалла — ризқ-рўзимиз». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 17.00 Эфирда — «Молодость». **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун мультфильм. 18.40 Ўқувчилар учун. «Ассалом, пионер ёзи». (Ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.10 «Сайловдан-сайловгача». 19.40 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.55 Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. «Чорвачилик факультети». 20.25 Ўн минут музика. 20.35 «Ахборот» информацион программаси. 20.55 Мусиқа жаванни. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.45 «Кино оламида» (Ўзбек тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 11.00 «Цивиля лақабли кучукчанинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильмнинг 3-серияси (рус тилида). 11.25 Мактабда спорт байрами (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 17.25 Рангли телевидение. «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Қишлоқбозлик бўйича СССР чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 19.30 Шахмат мактаби. 20.00 Ешлар программаси. «А плюс Б». **Тошкент кўрсатади.** 21.00 Фортепиано куйларидан концерт. 21.30 Спорт кўрсатуви (рус тилида). 22.00 «Галабадан сўнгги жанг». Бадиий фильмнинг 1-серияси (ўзбек тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. 19.15 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). 19.40 Надя Павлова рақсга тушади. **Рус тилида:** 20.00 Реклама ва эълонлар. 20.10 «Пушкин ҳақида монолог». Телевизион фильм. 21.00 «Тренер». Бадиий фильм.

7 ИЮНЬ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.20 Янгиликлар. 12.30 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун «Костёр» 13.00 «Совет характери». Телевизион очерк. 13.30 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 15.55 Кўрсатувлар программаси. 16.00 «Жонажон мамлакатимиз бўйлаб». Тожикистон ССР. 16.30 «Рақс оламида». 17.00 Эфирда — «Молодость». 17.55 Рангли телевидение. Телевизион бадиий фильмлар. **Тошкент кўрсатади.** 18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.45 «Старшеклассник» программаси (рус тилида). Ўзбек тилида 19.15 «Буюк совет композиторлари». Сергей Прокофьев. 20.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 20.15 Ўн минут музика. 20.25 «Ахборот» информацион программаси. 20.45 «Ёрқин ҳаёт». Телевизион журнал. 21.40 Дала ишлари кундалиги. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.45 **Алишер Навоий номли Узбек Давлат Академик опера ва балет Катта театри артистларининг концерти.** Тошкентдан олиб кўрсатилади. 23.30 Спорт программаси. 00.35 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.00 «Цивиля лақабли кучукчанинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильмнинг 4-серияси (рус тилида). **Узбек тилида:** 11.25 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах. 12.10 «Яшил халқачалар». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 18.35 Рангли телевидение. Болалар учун. «Светлячок». Мультфильм. 18.45 Янгиликлар. 18.55 «Уни Лучо деб атайдилар». Ҳужжатли фильм. Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корваланга бағишланган фильм Чили журналисти Хосе Мигель Варасининг кириш сўзи билан бошланади. 20.00 Рангли телевидение. Ф. Лист. Оркестр ва фортепиано учун ёзилган иккинчи концерт. 20.20 «Тунги мотоциклчи». Бадиий фильм. 21.30 Рангли телевидение. «Оперетта ишқибозлари, сизлар учун». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильмнинг 2-серияси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Узбек тилида:** 19.15 «Юлдуз лаҳзаси». Ҳужжатли фильм. 20.20 Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашлари учун телепрограмма. «Тошкент ва тошкентликлар». **Рус тилида:** 20.40 Зупур Нурмуҳамедов куйлайди. 21.00 «Аннанинг бахти». Бадиий фильм.

8 ИЮНЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 10.10 «Соғлом танда — соғ ақл». 10.20 «Экран ҳандаси». **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Гимнастика ҳамма учун. 11.25 Рангли телевидение. Болалар учун. «Бор эканда, йўқ экан». 11.55 Рангли телевидение. «Рассом ижодхонасида». СССР халқ рассоми Н. М. Ромадин. 12.25 Телетомошабинлар хатлари асосида музикали программа. 12.55 Ота-оналар, сизлар учун. 13.25 Рангли телевидение. Совет қўшиқларидан концерт. 14.00 Рангли телевидение. Болалар учун мультипликацион фильмлар программаси. 14.30 Музикали календарь. 15.00 «Жасур прогулчи». Болалар учун бадиий фильм. 16.05 «Қўшиқларимиз, сизлар учун». Фильм-концерт. 16.30 «Дўстлик ва бунёдкорлик иттифоқи». Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 25 йиллиги олдидан. 17.00 Рангли телевидение. «Марио дель Монако билан учрашув». **Тошкент кўрсатади.** 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Сехрли сўз ва Вова исмли бола». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Санъат гунчалари» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.45 «Ахборот» информацион программаси. 19.00 «Киносанъат тараққиёти учун». **Узбек тилида:** 19.55 «Ўзбекистон». Телевизион киножурналининг 12-сони. 20.05 «Ахборот» информацион программаси. 20.25 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган ҚАССР ва республика областларининг телевизион фестивали. Экранда — Сирдарё области. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 22.50 «Шоҳсанам ва Ғариб». Бадиий фильм.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси. Абитуриентлар учун. Узбек тилида: 10.00 Математика. 11.00 Физика. 12.00 Биология. 12.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. **Рус тилида:** 13.30 Биология. 14.00 Химия. 14.30 География (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 17.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 18.35 Ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Европа чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 19.05 Москва концерт заллари бўйлаб. 19.50 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 20.20 Рангли телевидение. Советлар мамлакатининг болалари. «Миллионлаб талантлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.55 Рангли телевидение. «Мен ва менинг қўшиқларим». Телевизион бадиий фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 **Эстрада концерти.** 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Кинокамера билан саёҳат. 18.40 «Пионер» студияси кўрсатади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 19.35 Телефильм. 20.20 Москва. Советлар мамлакатининг болалари. «Миллионлаб талантлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.55 Янгиликлар. 21.10 «Бўстон» фестивали конкурси иштирокчиларининг концерти. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

9 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. 9.40 Болалар учун телевизион театр. И. Лада. «Гонза ва сехрли олмалар». 10.30 Ўқувчилар учун. «Компас» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 Рангли телевидение. «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.40 Рангли телевидение. Бугун — Енгил саноат ходимлари куни. СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасовнинг чиқиши. 12.55 Рангли телевидение. Енгил саноат ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 13.25 СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 13.40 Рангли телевидение. Қишлоқ янгиликлари. 14.40 Рангли телевидение. Михайловское қишлоғида Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 16.00 Мусиқа жавони. 16.30 Рангли телевидение. Адабий асарларни экранлаштириш. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун. «Колокольчик» клуби. 18.30 Бугун — Енгил саноат ходимлари куни (ўзбек тилида). 18.45 «Поэзия ва музика». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Ленин ва Ўзбекистон». **Москва кўрсатади.** 19.55 Ҳалқаро панорама. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.25 Ўн минут музика. 20.35 «Қўёнчилик — муҳим соҳа». 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 «Экран ҳандаси». (такрорий кўрсатув). 21.55 Кўрсатувлар программаси. Москва кўрсатади. 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган халқ ижодкорлари телевизион фестивали. Қорақалпоғистон Автоном республика бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси Абитуриентлар учун: Узбек тилида: 10.00 Математика 11.00 Физика. 12.00 Биология. 12.30 Адабиёт. 13.00 Математика (рус тилида). 14.00 Химия. **Москва кўрсатади.** 17.55 Цирк майдонида. 18.55 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. **Тошкент кўрсатади.** 19.55 Киноэкран янгиликлари. «Саёҳатга таклиф этамиз». Реклама (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 20.25 Рангли телевидение. «Тўй-тўйдек бўлсин». Телевизион спектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг» (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. Ҳужжатли фильмлар программаси. 22.55 Рангли телевидение. СССР халқ артисти Г. С. Уланова ижодий фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган кеча. Танаффус вақтида ҳужжатли фильмлар.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Экран — болаларга. 17.30 «Ёш ватанпарвар». 18.15 Ўш кўрсатади. 18.55 «Шунақаси ҳам бўлади». Сатирик миниатюралар. 19.30 «Олатов баҳори». Санъат фестивали. 22.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

Бугун ва эртага „Зангори экран"да

31 МАЙ — ЖУМА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.00 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Зехн». Ўзбекистон областлари ёшларининг зийраклик, етуклик, ҳунар, нафосат бўйича телевизион турнири. Тошкент ва Фарғона область ёшлари командаларининг мусобақаси (такрорий кўрсатув). 21.25 «Ахборот» информацион программаси. 21.45 Дала ишлари кундалиги. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. **«Динамо»** (Москва) — **«Динамо»** (Киев) 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.05 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Болалар олға». 19.05 Янгиликлар. 19.15 Рангли телевидение. Болалар учун «Ҳар бир расмда акс этар қўёш». 19.45 «Москваликлар ва ленинградликлар мусобақашмоқдалар». 20.15 Адабий ўқиш. В. Леонов. «Рус ўрмони». Фрагментлар. 20.45 «Ҳаробадаги отишмалар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильм экрани (ўзбек тилида). 22.40 «Тошкент оперетта-сида — премьера» (рус тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 19.15 «Депо кишилари». Ҳужжатли фильм. 19.25 «Диққат, газ». Реклама. 19.45 Тошкент шаҳар ва Тошкент области меҳнаткашлари учун телепрограмма. «Тошкент ва тошкентликлар». 20.15 «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм. (Ўзбек тилида).

1 ИЮНЬ — ШАНБА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 9.40 «Бахтли болалигимиз». Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 10.20 Рангли телевидение. Телевизион миниатюралар театри. 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Рангли телевидение. Эрталабки гимнастика машғулотлари. 11.20 Янгиликлар. 11.25 Рангли телевидение. Болалар учун кўрсатув. 12.00 Ота-оналар, сизлар учун! 12.30 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Ёшлар ижоди». 13.30 «Маҳсулотларнинг юқори сифати учун». Бутуниттифоқ репортажи. 14.00 1974 йилда СССР Давлат мукофотига номзодлар. 15.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.30 «Бизнинг Пушкин». **Тошкент кўрсатади.** 16.15 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.20 Болалар учун кинопрограмма. 16.50 «Ватанга хизмат қилишга тайёрмиз!». 17.35 Завод бадиий ҳаваскорлари куйлайди. 18.20 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 18.35 «Турмуш ва маданият». 19.05 «Бўстон» тележурнали. 20.05 «Ахборот» информацион программаси. 20.25 Рангли телевидение. «Баҳор» давлат рақс ансабли иштирокида концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси (ўзбек тилида). 23.00 «Интернационал». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси Абитуриентлар учун: Узбек тилида: 10.00 Математика. 11.00 Физика. 12.00 Биология. 12.30 Ота-оналар, сизлар учун! (рус тилида). 13.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия 14.00 Биология (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 16.15 Рангли телевидение. «Ҳайвонот оламида». 17.15 Рангли телевидение. Мультипликацион фильмлар программаси. 17.45 Ўсмирлар учун музикали программа. 20.00 Рангли телевидение. «Советлар мамлакатининг болалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.10 Рангли телевидение. А. С. Пушкин. «Коломнадаги уй». Телевизион спектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. Чехословакия эстрада артистларининг концерти. 23.20 Рангли телевидение. Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 23.45 Опера куйларидан концерт. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Сахий кишилар билан бирга». Бадиий фильм. 19.10 «Пионерия» студияси кўрсатади. 19.40 Янгиликлар. 19.50 «Партия — йўлбошчимиз». 20.10 Ҳужжатли фильм. 20.30 Ёзувчилар — болаларга. 21.00 Янгиликлар. 21.15 Концерт. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31|V да **Оққуш кўли**, 1|VI да **Риголетто**, 2|VI да **Оққуш кўли** (кундузи), **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31|V да **Комиссия**, 1|VI да **Парвоз**, 2|VI да **Шоҳ Эдип**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31|V да **Ужарлар**, 1|VI да **Хотинимнинг эри**, 2|VI да **Ҳижрон.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ
1974-75 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар — болалар муассасалари ва умумий профилдаги медицина ҳамширалари тайёрлаш бўлимига (ўқиш муддати — бир йил-у 10 ой); акушерлик бўлимига (ўқиш муддати — 2 йил-у 6 ой);

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар — болалар муассасалари медицина ҳамширалари тайёрлаш бўлимига (ўқиш муддати — 2 йил-у 10 ой).

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ёзилган ариза, 286-формадаги медицина справкаси, аттестат, шаҳодатнома (асли), 3х4 см катталикдаги 3 та фотосурат.

БИЛИМ ЮРТИ ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАМАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ремесленная кўчаси, 8-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
40-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1974—75 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти дурадгор ва бўёқчи (ўқиш муддати 2 йил), **автослесарь, дурадгор, слесарь-сантехник,** (ўқиш муддати бир йил) **мутахассисликлари бўйича малакали ишчилар тайёрлайди.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 14 ЯРИМ ВА 17 ЯРИМ ЕШДАГИ УСПИРИНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига уч марта бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

Билим юртини битириб чиқувчилар қурилиш ва заводларда мебель фабрикаларида ўз касблари бўйича ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), соғлиги тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосуратларни топширадилар.

Аризалар қуйидаги адресда ҳар куни (дам олиш кунидан ташқари) **эрталаб соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 4, 20, 41, 69, 74, 117-автобусларнинг «Партия мактаби» 13-трамвайнинг «Консерва заводи» бекатлари). Телефонлар 66-09-96, 66-09-98.

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН
2—3 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«ТАБАССУМ» УСТАХОНАСИ ИЖОДКОРЛАРИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

„ТАБАССУМ САЙИЛИ"
Ў Т К А З И Л А Д И

ТАБАССУМ УЛАШАДИЛАР:
КУЛГИ ДАРҒАЛАРИ:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: СОНБ ХУЖАЕВ, ҒАНИ АЪЗАМОВ, АМИН ТУРДИЕВ, ОМИНА ФАЕЗОВА, РАУФ БОЛТАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Эргаш КАРИМОВ, Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Турғун ХОНТУРАЕВ, Рихси ИБРОҲИМОВА, Муҳаббат ШАМАЕВА, Малоҳат ДАДАБОЕВА, Гулсара ЁҚУБОВА;

Ленин комсомоли мукофоти лауреати: ХАЙРУЛЛА САЪДИЕВ;

Кулги усталари: Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Ҳусан ШАРИПОВ, Абдураҳмон АҲМЕДОВ, Роза КАРИМОВА, Абулқосим ТУЙЧИЕВ, Одилжон ОХУНЖОНОВ, Зайнобиддин ва Мадаминжон ЮСУПОВлар, Абдурайимполвон НОРҚУЛОВ.

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Клара ЖАЛИЛОВА.

Ўзбекистон радиоси қошидаги Тилаш ХУЖАМБЕРДИЕВ бошчилигидаги

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Шунингдек «ТАБАССУМ САЙИЛИ»га «ТАБАССУМ» — радио-журналининг муҳаррирлари Тўлан ҚУЗИБОЕВ, Исом ЗОКИРОВ, Тўлқин СОДИҚОВ, Тўра РАҲИМОВ ва режиссёр Маннон УБАЙДУЛЛАЕВлар таклиф қилинган.

Табассум кечасида сиз «ТАБАССУМ»нинг сертабассум мухбири «МУЛЛА ТАБАССУМ» ва тингловчиларнинг севимли қаҳрамонлари ҚУВНОҚЖОН ва ЖУҚИВОЙлар билан учрашасиз.

«ТАБАССУМ САЙИЛИ» кундуз соат 4 дан бошланади.

САЙИЛИМИЗГА МАРҲАБО, КУЛГИСЕВАР ДУСТЛАР!

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрта ҳунар-техника таълими Давлат комитети
84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1974—75 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

слесарь-сантехник, монтажчи, ғишт терувчилар, арматурачи-электро пайвандчи, бўёқчи (қурилиш), дурадгор, электромонтёр (ўқиш муддати — 3 йил); газ-электро пайвандчилар, дурадгор (ўқиш муддати —2 йил); суворқчи, қопловчи-плит